

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

Эркин МУСУРМАНОВ

叶尔 · 苏尔 诺

ХИТОЙ ТИЛИ

汉语

I-қисм



Самарқанд - 2013

Э. Р. Мусурманов. **Хитой тили** (汉语. Hànyǔ). I-қисм. Ўқув-услубий қўлланма. СамДЧТИ, 2013.-84 б.

Масъул муҳаррир: филология фанлари доктори,
профессор **Ш.С. Сирожиддинов**

Такризчилар: Ф.ф.н. **Ма Цу Линг**
Ф.ф.н. **Т.Т. Жўраев**

Муҳаррирлар: **А. Кўчибоев, А. Фармонова**

Ҳозирда чет тилларни ўрганишга берилаётган алоҳида эътибор таълим жараёнини такомиллаштиришга қаратилган турли дарслик, ўқув, ўқув-услубий қўлланмаларни яратишга эҳтиёж тугдирди. Бугунги кунда республикамиз олий ўқув юртларида хитой тили ўқитилаётганига қарамай, бу йўналишда ўзбек тилида яратилган манбалар деярли йўқ. Натижада рус ва инглиз тилини билмайдиган талабалар учун хитой тилини ўрганишда айниқса, баъзи муаммолар пайдо бўлмоқда. Шу сабабли СамДЧТИ да хитой тили ва адабиётига доир қатор қўлланмалар яратиш дастури ишлаб чиқилган.

Мазкур ўқув-услубий қўлланма хитой тилини ўрганувчи талабалар учун ана шундай дастур асосида яратилди. Бу қўлланмани ёзишда рус, уйғур, инглиз тиллардаги манбалар ва интернет таълимий сайтларидан фойдаланилди. Қўлланма шу соҳадаги дастлабки уринишлардан бири бўлганлиги учун айрим камчиликлардан холи бўлмаслиги табиий. Қўлланма мазмуни ва мундарижасини такомиллаштириш юзасидан билдириладиган фикр-мулоҳазалар келгуси ишларимизда ҳисобга олинади.

Ўқув-услубий қўлланма СамДЧТИ илмий услубий кенгашининг 2013 йил 28.февралдаги 2013 №7 –қарори билан нашрга тавсия қилинди.

Ўқув мақсади

Хитой тилининг аҳамияти, мавқеи ва дунё ҳамжамиятидаги ўрни, иероглифларнинг пайдо бўлиши ва такомиллашишига оид умумий маълумотлар бериш.

Асосий маълумотлар



Режа:

1. Хитой тили ҳақида умумий тушунчалар.
2. Хитой ёзуви ҳақида дастлабки маълумотлар.
3. Иероглиф, ҳарф ва морфема.



Хитой тили сино-тибет тиллар оиласига мансуб бўлиб, ханьларнинг (**hànzú**, 汉族 яъни Хитой аҳолисининг 94% фоизини ташкил қиладиган хитойликларнинг) миллий тили ҳисобланади. Этнос номидан хитой тилининг яна бир номи — **Hànyǔ**, 汉语 (сўзма-сўз « хань тили»). Хитой тили давлат тили ва хитойда яшовчи халқлараро муносабат тили ҳисобланади.

Хитой тили дунёда энг кўп қўлланиладиган тил бўлиб (1200 млн. ортиқ одам) бу тилда сўзлашувчилар инглиз тилида сўзлашувчилардан икки мартадан ортиқ сонни ташкил қилади. Хитой тили БМТ олтига расмий халқаро тилларидан бири сифатида эътироф этилган. Генетик классификация нуқтаи назаридан у хитой – тибет (сино-тибет) тиллари оиласига мансуб бўлиб, типологик нуқтаи назаридан хитой классик тили изоляцияловчи тиллар сирасига киради.



Хитой тили дунёда энг кўп қўлланиладиган тил!

Хитой хати ёзуви белгилари иероглиф ёки идеография деб аталади. Қадимги ёзув ёки хабар бериш воситалари ҳақида айрим маълумотлар сақланиб қолинган. Қадимги филолог Сюй Шэнь Шовэнь Цзеци луғатига ёзган сўзбошисида: «Фу Си (мифологик қахрамон) дунёнинг ҳукмдори бўлганда, биринчи марта саккиз триграммни кашф қилган, Шэнь Нун эса бошқариш ва хабар бериш воситаси сифатида боғичларидаги


тугунчаларидан фойдаланган». Бундай маълумотлар қадимги хитой манбалари «Ицзин», «Лао Цзи» ва «Чжуан Цзи» номли асарларида келтирилган.

Триграмма чизмаси (Фу Си жойлаштирган триграмма; 先天图 ёки 伏羲八卦图) нинг чизиқли ва айлана тартибда жойлашиш турлари мавжуд.

Чизиқли триграмма қуйидагича:

Цянь, Дуй, Ли, Чжэнь, Сюнь, Кань, Гэнь, Кунь.

Чизиқли триграммани тасвирлаш жараёни бир қанча босқичлардан иборат бўлиб, унинг сўнги кўриниши дарахт шаклига ўхшаш. Триграмманинг доирали шакли қуйидагича тасвирланади:



Иероглифлар япон (канжи) ва корейс (ханча) ёзувларида кенг қўлланилади. 1945 йилгача хитой хати вьетнам (ханти) ёзувида ҳам ишлатилган.

XX аср бошларида Хитойда иероглиф ёзувдан алфавит хатига ўтишга ҳаракатлар бўлди.

1958 йилда ишлаб чиқилган Пиньинь - лотин ёзуви асосидаги фонетик алфавит ХХР да иероглифларни ўрганиш учун ёрдамчи восита сифатида қўлланила бошлаган. Кейинчалик у Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан расмий тасдиқланган.¹

Ҳозирги даврда Хитойда соддалашган ва анъанавий иероглифлар амалда қўлланилади.

Соддалашган иероглифлар 1950 - йилларда ишлаб чиқилди ва 1956 йили ХХРнинг расмий ёзуви сифатида қабул қилинди. 1964 йили ва 1977 йили ҳам ёзувларни соддалаштириш устида иш олиб борилди, бироқ 1986 йили бу ўзгаришлар бекор қилиниб, бундан кейин иероглифларнинг ўзгариши масаласи кун тартибига олиб чиқилмаслиги эълон қилинди.

¹. "ХУН МЭЙ" Хитой тили кружоги. (Электрон манба) // Кириш режими: http://old.dvfu.ru/struct/institute/orient/HTML/hongmay/Cina_Lang/phonet.htm. Кириш санаси ва вақти: 01. 01.2013. 11:13

Ўзгаришга юз тутган хитой иероглифларига мисоллар:

Анъанавий иероглифлар	Соддалаштирилган иероглиф.	Таржимаси	Анъанавий иероглиф.	Соддалаштирилган иероглиф.	Таржимаси
電	电	электр ток	鳥	鸟	қуш
買	买	харид	熱	热	иссиқ
開	开	очмоқ	時	时	вақт
東	东	кунчиқар	語	语	тил, нутқ
車	车	транспорт воситаси	聽	听	тинглаш
紅	红	қизил, алвон	證	证	гувоҳнома
龍	龙	аждаҳо	賣	卖	сотиш
龜	龟	тошбақа	雞	鸡	товуқ
歲	岁	ёш даври	價	价	нарх
藝	艺	санъат	樂	乐	қувноқлик
鐵	铁	темир, металл	氣	气	ҳаво
圖	图	карта, сурат	廳	厅	зал, офис
團	团	гурӯҳ	聲	声	товуш
轉	转	буриш	學	学	ўқиш
廣	广	кенг	體	体	вужуд
惡	恶	ёмон, ёвуз	點	点	нуқта
豐	丰	сувли	貓	猫	мушук
腦	脑	мия	蟲	虫	ҳашарот
雜	杂	турли	萬	万	10 000
壓	压	босим	盜	盗	ўғри
國	国	мамлакат	醫	医	медицина

1962 йили Цзяху туманида Хуанхэ дарёси ёнида топилган ва тошбақа косасидаги қадимги хитой иероглифларини ёдга солувчи ёзувлар эр.ол. VI минг йилликка тааллуқли эканлиги қайд этилмоқда. Бунга ишонадиган бўлсак, бу ёзув қадимги шумер ёзувидан ҳам қадимийроқ бўлиб чиқади. Бироқ хитой ёзувини ўрганган тадқиқотчи Тан Ланнинг фикрича, хитой иероглифларига асос солинганлигига 4-5 минг йил бўлган.

Иероглиф ёзуви ҳарfli алифбодан белгиларнинг кўплиги билан ажралиб туради. Кўпчилик халқлар алифболарида ўттиз атрофида ҳарфлар мавжуд бўлади, иероглифларга асосланган ёзувдаги белгилар бир қанча минглаб, ҳатто ўн минглаб белгиларни ўз ичига олиши мумкин. Хитой тилида ҳарфлардан фарқли равишда сўзга ёки бўғин-морфемага мос келадиган иероглифлар кўлланилади. Хитой тилида иероглифларнинг умумий сони **50 минг** белгидан кўп. Амалда эса фақат **5-8 минг** белги кўлланилади. Замоनावий адабиётлар ва матбуот нашрларини ўқиш учун **3-4 минг** иероглифни билиш етарли. Жумладан, «Жэньминь жибао» газетасини бемалол ўқиш учун **4 мингга** яқин иероглиф билиш талаб қилинади. Бу ҳолат ХХР тўлиқ ўрта мактаблар талабига мос келади. Расмий хизматчи ва ишчилар учун **2 минг** атрофида, деҳқонлар учун — **1,5 минг** белгини билиш талаб қилинади.



Пиньинь - БМТ томонидан расмий тасдиқланган лотин ёзуви асосидаги фонетик алфавит.

Хитой тилида ҳар бир бўғин (морфема) алоҳида иероглиф орқали ёзилади. Хитой тилида жами **400** атрофида товуш таркиби билан фарқланувчи бўғин мавжуд; оханг(оханг)ларнинг мавжудлиги туфайли бу рақам уч-тўрт марта кўпаяди. Турли морфемаларнинг кўплиги, омонимларнинг вужудга келишига олиб келади. Шунинг учун хитой тилида иероглифларнинг сони кўп.

Бунчалик кўп иероглиф билан компьютерда ёзиш жараёнини қай тарзда амалга ошириш мумкин, деган асосли савол туғилади.



~	丿	@ 刀	# 丿	\$ 丿	% 丿	^ 丿	& 丿	* 丿	Y (丿)	弓	- 丿	+ 丿		←
Tab	Q 丿	W 丿	E 丿	R 丿	T 丿	Y 丿	U 丿	- 丿	I 丿	O 丿	^ 丿	P 丿	{	}
↔	手	石	田	山	水	一	口	工	廿	系	卜	火	山	艸
Caps	A 丿	П 丿	S 丿	丿	D 丿	丿	F 丿	丿	G 丿	丿	H 丿	丿	J 丿	×
Lock	日	人	尸	革	木	日	火	土	土	手	竹	鳥	十	月
↑	Z 丿	Ц 丿	X 丿	为 丿	С 丿	厂 丿	V 丿	T 丿	B 丿	回 丿	N 丿	厶 丿	M 丿	山 丿
	重	心	雜	水	金	鹿	女	禾	月	馬	弓	魚	一	雨
Ctrl	Alt											Alt	Ctrl	
													←	Enter
													[路
]	街

Замонавий хитой тилида иероглифлардан ташқари пиньинь, деб номланувчи алифбо мавжуд. Пиньинь алифбо сифатида расмий тан олинмаган, уни лотин ҳарфларида юзага келган транскрипция, дейиш тўғри бўлади. Пиньинь тизимида **v** дан бошқа деярли барча лотин ҳарфлар иштирок этади, кўшимча тарзида **ü** қўлланилади. Улар орқали **23** ундош ва **24** унли товуш ифодаланади. Айримлар тасавурида хитойча ёзиш биринчи суратда келтирилгандек жуда катта ва кўплаб клавиатуралар орқали амалга ошмайди. Хитой ёзуви одатий клавиатурада маълум операция тизими орқали муаммосиз ёзилаверади.

Ёзма ёдгорликларнинг гувоҳлик беришича, хитой тили ер юзидаги энг қадимги тиллардан биридир. Бу тил минг йиллар давомида такомиллашиб борган, бироқ унинг асосий жиҳатлари – грамматик меъёрлар, лексик бойлиги, қурилиши ва иероглиф хатининг ўзига хос хусусиятлари туб ўзгаришларга учрамаганлигидир.

Гарчи хитой сўзларини талаффуз қилиш, ўқиш ва ёзиш мураккабдек туюлса-да, аслида бу тил унчалик мураккаб эмас.

Хитой тилида феъл шаклларининг тусланиши йўқ. Бу дегани - хитой тилидаги феъл шакллари шахс бўйича (мен, сен, у, ва бошқ.), замон бўйича (ўтган, ҳозирги, келаси, ва бошқ.) ўзгармайди. Жумладан, **shi** феъли «бўлмоқ, (у) бор, (мен) бор, бор эди, ва бошқалар.

Рус, немис ва француз тилларидан фарқли равишда хитой тилида род тушунчаси талаффуз қилинмайди, бироқ ёзувда фарқланади.

Бу билан хитой тилини ўзлаштириш енгиллашмайди. Жумладан, хитой тилида махсус ишлатиладиган ўлчов ёки

санок деб аташ мумкин бўлган сўзлар бор. Одатда улар жамловчи ёки кўрсатиш олмошлари (бу, у) ва отлар орасида қўлланилади. Турли отлар учун турли санок сўзлар мавжуд. Мисол учун, хитой тилида одатдагича «уч китоб» эмас, балки san ben shu: san (уч) + ben (китоблар учун санок сўз) + shu (китоб/китоблар) дейиш тўғри бўлади.



Хитой тилида феъл шакллари тусланиши йўқ.



Хитой байрамлари

Расмий байрамлар:

1 январь – Янги йил

8 март – Халқаро хотин - қизлар куни

1 май – Меҳнат байрами

4 май – Ёшлар куни

майнинг 2-якшанбаси – Оналар куни

1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

1 июль – Хитой Компартияси ташкил топган куни

1 август – Хитой Халқ-Озодлик Армияси ташкил топган кун

1 октябрь – ХХР ташкил топган кун

Анъанавий байрамлар:

Январнинг охири-февраль боши – «Чуньцзе» – Баҳор байрами, яъни ой тақвими бўйича хитой Янги йили.

12 март – Кўчат экиш куни

5 апрель – Кечириш куни

Майнинг боши – Қадимги хитой ватанпарвар шоири Цюй Юань хотирасига бағишланган Дуаньбу байрами

10 сентябрь – Ўқитувчилар куни.



Мунозара учун савол ва топшириқлар.

1. *Хитой тили ҳақида нималар биласиз?*
2. *Хитой ёзувининг ўзига хос хусусиятларини нималарда кўрасиз?*
3. *Қандай хитой байрамларини биласиз?*
4. *Хитой тилини бошқа тиллардан асосий фарқларини аниқланг.*
5. *Хитой ёзуви ва унинг эволюцияси жараёнини ўрганг.*

2-МАВЗУ

ХИТОЙ ЁЗУВИГА КИРИШ

Ўқув мақсади

Хитой тилининг фонетик алифбоси, бўгин, инициал ва финаллар, талаффуз қоидалари ҳақида тушунчалар бериш.



Асосий маълумотлар

Режа:

1. Хитой фонетик алифбоси.
2. Инициаллар ва финаллар.
3. Инициаллар ва финалларнинг талаффузи қоидалари ва эҳтимолли комбинациялари.



Хитой фонетик алифбоси куйидагича:

A a	J j	W w
B b	K k	X x
C c	L l	Y y
D d	M m	Z z
E e	N n	S s
F f	O o	T t
G g	P p	- u
H h	Q q	- ü
- i	R r	

i, u, ü ҳарфлари сўзларнинг бошида алоҳида қўлланилмайди.

Хитой Халқ Республикаси, Тайвань ва Сингапурнинг расмий тили—**Путунхуа** (хит. анъанав.普通話, пиньинь: **Pǔtōnghuà**) деб номланади. Мазкур тушунча даставвал оғзаки, муомаладаги тилга нисбатан қўлланилади. Ёзув стандартига мос келадигани **байхуа**, деб аталади. Путунхуа ХХРнинг барча жабҳаларида жумладан, таълимнинг ҳамма босқичларида,

шунингдек, оммавий ахборот воситаларида – телевидение, интернет сайт номлари, мобил телефонлардаги SMS хатлар кабиларда кенг қўлланилмоқда.

XX аср бошларида Хитойда икки тил – ёзув тили **веньян** ва сўзлашув тили **байхуа** қўлланди. Уларнинг ўртасидаги фарқ VI асрдаёқ кўринган эди. Қадимги ёзув тили веньян Конфутсий асарлари тили бўлиб, унда ижод қилиш юксак маданият белгиси саналган. Вақт ўтгани сайин оғзаки тил ва ёзма тил ўртасидаги фарқ фақат каттариб борди. XX аср бошида веньян нутқи деярли ўлик тил мақомига етиб, у чет тили сингари ўрганиладиган бўлиб қолди. Шу сабабли бу тилни кўпчилик яхши тушунмас эди. Шунга қарамай XX аср бошларида бадий адабиётга фақат веньянда ёзилган асарларгина тегишли саналиб, байхуада ёзилган асарлар бадийликдан йироқ деб тушунилди.



Хитой тилида иероглифлар 50 минг белгидан кўп. Амалда эса фақат 5-8 минг белги қўлланилади.

Путунхуанинг фонетикаси ва лексикаси шимолий диалектлар гуруҳига мансуб бўлган талаффуздаги пекин диалекти меъёрларига мос келади. Путунхуа грамматикаси адабий асарлар ёзилган замонавий тил (байхуа) меъёрларига мувофиқдир.

Путунхуадаги бўғинда товушлар тўрттадан ортиқ бўлмайди ва уларнинг тартиби қатъий шаклланган бўлади. Замонавий меъёрий путунхуа тилида 400 га яқин асосий бўғинлар мавжуд бўлиб, улар товуш таркибига кўра фаркланади.

Инициаллар ва финаллар

Хитой тилининг фонетикаси бўғинларга асосланади. Бўғин инициаллардан (бўғин бошланадиган ундош товуш номидан) ва финаллардан (унли ёки буғин охиридаги ундош товушларнинг бирикувидан) таркиб топади. Шунингдек, бўғиннинг фақат финалдан иборат бўлиши ҳам мумкин.

Буни бошқача ҳам тушунтириш мумкин: хитой бўғини икки асосий қурилма элементларидан таркиб топади: бўғин бошида келган ундошли бўлак инициал деб номланади, унли қисм — бўғиннинг қолган қисми финал деб аталади.

Инициаллар

Ундош бўлак ёки инициал фақат бир ундош товуш билан акс этиши мумкин. Хитой тилида жами 21 инициал бор:

B, j, p, q, m, z, f, c, d, s, t, l, n, g, r, k, x, h, sh, zh, ch

Гоҳида инициал тушиб қолиши ҳам мумкин, бунда бўғин фақатгина финалдан иборат бўлиб қолади, бўғинда финалнинг бўлиши шарт.

финал – бўғиннинг қолган қисми, мисол учун:

bang – инициал-**b**, финал –**ang**.

Бўғиннинг унли қисми, яъни финал, монофтонг ёки пасаювчи дифтонг (икки унлининг бир бўғинда кетма – кет, қатор келиши) (оддий финал), юксалувчи дифтонг ёки трифтонг (мураккаб финал)да намоён бўлиши мумкин. Унли товушларнинг дифтонгларга ва трифтонгларга бирикуви белгиланган қоидалар асосида амалга ошади. Шунингдек, ўн еттита финал мавжуд бўлиб, улар ўзида бурунлашган элементларни бирлаштиради. Хитой тилида жами ўттиз бешта финал бор. Инициалларнинг у ёки бу финаллар билан бирикуви маълум қоидалар асосида амалга оширилади.

Путунхуада жарангли ва жарангсиз ундошларни қиёслаш йўқ. Муқобилдаги портловчи ундошлар жуфтликларни ҳосил қилиб, ўзаро нафас товуши бор- йўқлиги билан фарқланади.

Ундошлар «**b**» ва «**g**» нафас товушини талаб қилмайдиган ярим жарангдор портловчи товуш ҳисобланади. Талаффуз қилинган мазкур товушларнинг фақат энг сўнгида овоз пайчалари кучсиз тебранади.

«**p**» ва «**k**» ундошлари нафас орқали талаффуз қилинадиган бўғиқ портловчи товушларни ҳосил қилади. Бундай талаффузда кучли нафас чиқариш ва ундошнинг сўнгида ўзбекча **х** товушини шовкинли хира талаффуз қилиш талаб қилинади. Талаффуз вақтида овоз пайчалари тебранмаслиги лозим.

Замонавий хитой тили бўғинлари инициал ва финаллар бирикувидан таркиб топади. Келтирганимиздек, бўғин бошидаги консонантлар инициаллар бўлиб, қолган қисми финал ҳисобланади.

Инициалларининг жадвали куйидагича кўринишга эгадир:

B	P	M	F
D	t	n	l
G	k	h	
J	q	x	
Z	c	s	
Zh	ch	sh	r

m, f, s, h деярли ўзбек тилидаги **м, ф, с, х** товушлари каби талаффуз қилинади.

l товуши ўзбек тилидаги муқобилига нисбатан юмшоқ талаффуз қилинади ва кўпроқ инглиз тилидаги **l** товушига мос айтилади.

n товуши альвеоляр моҳиятга эга ва ўзбек тилидаги **н** товушига нисбатан ўзгача талаффуз қилинади;

b, d, g ундошлари жарангдор **б, д, г** ва жарангсиз **п, т, к** товушлари ўртасидаги оралик товуш сифатида талаффуз қилинади;

p, t, k товушлари **п, т, к** каби транскрипцияга эга бўлиб, кўшимча нафас ёрдамида қаттиқроқ талаффуз қилинади;

j, q, x – ўзига хос талаффузларга эга .

j товуши ўзбек тилидаги **жъ** талаффузига яқин, инглиз тилидаги **j** каби, бироқ янада юмшоқроқ талаффуз қилинади;

q - ч ва рус тилидаги **ц** товушининг оралик талаффузига эга бўлиб, **тьсь** шаклида талаффуз қилинади;

x – товуши **с** ва русча **щ** товушининг оралик талаффузига эга бўлиб, сирғалувчи **сь** сингари талаффуз қилинади;

c, sh, ch ундошлари кўшимча нафас ёрдамида талаффуз қилинади. **c** ва **sh** **тс** ва **ш** каби кучли, **ch** қаттиқ талаффуз қилинади ва русча **чш** га яқин айтилади.

z талаффузда **дз, zh** эса **ж** каби талаффуз қилинади;

Хитой бўғинлари тизимида **er** бўғини алоҳида ўрин тутди. Мазкур бўғиннинг сўнгги оҳанги тил учининг эгилиши билан талаффуз қилинади.

Er бўғинига мос келадиган ахамиятли морфемаларнинг умумий сони кўп эмас (ўндан кам), биринчи оҳангдаги морфемалар эса уларнинг орасида умуман йўқ.

Шунга қарамай **er** бўғинини тўғри талаффуз қилиш ниҳоятда муҳимдир. Бу бўғин кўп ҳолда **г** – суффикси сифатида намоён бўлади. **г** ундоши бўғин бошида русча **ж** ва **р** ўртасидаги товуш каби талаффуз қилинади;

Р – суффикси хитой тилидаги бошқа суффикслардан фарқли равишда мустақил бўғинни ташкил қилмайди. Унинг морфемага қўшилиши сўздаги бўғинларнинг сонини кўпайтирмайди. Бироқ у алоҳида иероглиф сифатида ёзилади.

Келтирилган 21 инициалдан ташқари қуйидаги ² **финаллар** мавжуд.


	I	U	Ü
A	ia	ua	
O		uo	üe
E	ie		
Er			
Ai		uai	
Ei		uai (ui)	
Ao	iao		
Ou	iou (iu)		
An	ian	uan	üan
En	in	uen (un)	üen
Ang	iang	uang	
Eng	ieng	ueng	
Ong	iong		

ai, ei, ou дифтонглари ва финаллар қисқа ҳамда аниқ талаффуз қилинган **ай, эй, оу** ларга мос келади.

² Манбаларда уларнинг сони турлича келтирилади. Жумладан «Хитой тилини нульдан ўрганамиз» электрон сайтида уларнинг сони 35 деб (Қаранг: <http://lingust.ru/chinese/chinese-lessons/lesson1>), «Хитой тилида талаффуз» электрон сайтида 36 та деб келтирилган (Қаранг: <http://www.chinahighlights.ru/travelguide/learning-chinese/chinese-pinyin.htm>)

ао, уо дифтонглари ўзбекча **ао** ва **уо** га ўхшаш бўлиб, улар икки эмас, балки бир товушдек талаффуз қилинади. Товушларнинг талаффузида **о** доминант бўлади. **ао** дифтонги талаффузида оғиз **а** товушини айтишга мўлжаллангандек очилади, бироқ **о** талаффуз қилинади. Шунингдек, **уо** товуши талаффузида ҳам шундай ҳолат рўй беради.

а, ап, ен финаллари. Ўзбек тилига **а, аң, эн** сифатида транскрипция қилинади. **Н** ва **ng** товушлари талаффузида бурун мушакларининг ҳолатидаги фарқларга эътибор беринг:



Ўзбек тили ёзувида махсус ҳарф кўринишида бурун **н** товуши ёзилмаса-да, аслида бундай товуш истемолда мавжуд бўлиб, *сингил, кўнгил* каби сўзларда талаффуз қилинади.

Хитойча **і** унлиси ўзбек тилидаги **и** га нисбатан юмшоқ айтилади, бироқ, ўзидан олдин келган ундошни юмшоқ талаффуз қилинишига хизмат қилмайди.

Е талаффуз қилинганда русча **а** га мойил **ы**, яъни **ы^а** товушига мос келади.

Хитойча **u**, рус тилидаги **у** каби талаффуз қилинади. Бир **у** унлисидан иборат бўлган бўғинни ёзиш учун хитой тилида **wu** ҳарфий бирикмасидан фойдаланилади. Товуш **ву** эмас, қатъий **у** деб ўқилади. **Wo** бўғини **uo** дифтонги ҳисобланиб, ўзбекча **во** шаклида транскрипция қилинади.

Ü ифода этадиган товуш ўзбек тилида мавжуд эмас.

Ü товуши **і** ва **u** товушларининг бирикувидан ҳосил бўлган яхлит товушни англатади: **ü** талаффузи вақтида тил олдинга кучли силжиган бўлиб, унинг ўрта бели **і** талаффузидаги сингари қаттиқ танглайнинг олд қисми томон кўтарилган бўлади, бироқ лаблар **u** сингари юмалоқ шаклга келтирилади.

Ü ни тўғри талаффуз қилиш учун дастлаб **і** нинг талаффузи машқларидан бошлаш керак. Бир неча марта кенг ва қисқа **і** ни кетма-кет талаффуз қилиш керак; тилнинг ҳолатини сезиб ва уни бир хилда ушлаб туриб, лабларни юмалоқ шаклга келтириш керак. Шундай қилиб биринчи қатордаги лаблашган **ü** унлига эга бўламиз.

ü (ёки **і**) ва **u** талаффузи вақтидаги тилнинг ҳолати:



Талаффузи сақланиб қолинган ҳолда **ü** унлиси фақат беш ундош – юмшоқ **ј, қ, х** ва қаттиқ **l** ва **n** лардан кейин қўлланилади. **ј, қ, х** харфларидан кейин **ü** харфи устидаги манглай нуқталар қўйилмайди (чунки **u**

унлиси юмшоқ **ј, қ, х** билан бирикмайди). **l** ва **n** дан кейин манглай нуқталарнинг қўйилиши шарт, чунки бунда **lu – lü** ва **nu – nü** бўғинларнинг аралashiш ҳолати рўй бўлади.

Агар бўғинда ундош товуш қўлланмаган бўлса, унли **ü** уи харфлари бирикмаси сифатида ёзилади.

Агар **uei, uen** ва **iou** дан олдин инициал турса унда улар **ui, un** ва **iu** шаклларида ёзилади.

Путунхуа («оммавий тил») да асосий тўртта ва битта нейтрал оҳанг мавжуд.

Хитой тилида инициал ва финалларни хоҳлаган ҳолатда бириктирмоқнинг иложи йўқ.

Инициал ва финалларнинг эҳтимолли комбинациялари жами 411 хил. Уларнинг камчилиги хитой сўзлашув нутқини қатъий қоидалар қолипига солиб қўйиши мумкин эди. Бундай вазиятда хитой тилидаги оҳанг(тон)лар ёрдамга келади.



Мунозара учун савол ва топшириқлар.

1. Инициал ва финаллар, деганда нимани тушунасиз?
2. Хитой тилида нечта инициал бор?
3. Финаллар инициаллардан нимаси билан фарқланади?
4. Хитой фонетик алифбосининг ўзига хос хусусиятларини аниқланг.
5. Фонетик алифбодаги товушларнинг ёзилишини машқ қилинг.
6. Инициал ва финалларнинг ўзига хос жиҳатларига эътибор беринг.

7. Барча инициалларни такрорланг:

v, j, p, q, m, z, f, c, d, s, t, l, n, g, r, k, x, h, sh, zh, ch.

Уларнинг турларини эсда сақланг:

жуфтлари (ярим жарангдор – бўғиқ нафас чиқариш билан талаффуз қилинадиган): *b-p, d-t, g-k, j-q, zh-ch, z-c*

жарангдорлар: *m, n, l, r*

ярим жарангдор: *b, d, g, j, q, z*

бўғиқ нафас чиқариш билан талаффуз қилинадиган:

p, t, k, q, ch, c

бўғиқ: *f, h, x, sh, s.*

Хитой тилида муҳим ўрин тутган товуш оҳанглари, тур ва хусусиятлари, ўзгаришлари ҳақида маълумот бериш.



Асосий маълумотлар

Режа:

1. Хитой тилида товуш оҳанглари
2. Оҳангларнинг ўзига хос хусусиятлари
3. Оҳангларнинг ўзгариши



Хитой тилида товуш оҳанглари ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг нотўғри қўлланиши натижасида сўзларнинг маъноси тубдан ўзгариб кетишга сабаб бўлади. Тилдаги ҳар бир бўгин турли оҳангларда талаффуз қилинади. Бир ёзувдаги сўз тўрт оҳангда тўрт хил маънони ифодалайди. Мисол: **bā** (саккиз), **bá** (суғурмоқ), **bǎ** (нишон), **bà** (ота).

Оҳанг	Бўгин	Т а ʼ р и ф
Биринчи	dā —	Давомли оҳанг. Баланд, бир текис, давомли. Оҳанг худдики, ҳеч нарсани тушунмаганда айтиладиган "аааа" каби бир текис талаффуз қилинади. У шунингдек, тугалланмаган жумланинг оҳангини эслатади. Гарчи биринчи оҳанг давомли, деб аталса-да, учинчи оҳангга нисбатан қисқароқ давом этади.
Иккинчи	dá /	Ўсувчи оҳанг. Ўрта оҳанг талаффузидан бошланиб, сўнгра кескин кўтарилади. Оҳанг сиз қачон жудаям ҳайратланганингизда, ёки эътирозли ажабланганингиз сингари «аааа?» каби талаффуз қилинади. Иккинчи оҳанг биринчи оҳангга нисбатан қисқароқ айтилади.
Учинчи		Эгма оҳанг. Ўрта оҳангдан бошланиб, охиргача пасаяди, сўнгра баландгача кўтарилади. Учинчи


	dă ∨	оҳанг талаффузи билан боғлиқ мисоллар ўзбек тили талаффузида кам учрайди. Оҳангни куйидаги мисол билан тушунтириш мумкин: сиз дўстингизни ноҳақ айбладингиз, бироқ дўстингиз аслида ҳақлигини сизга батафсил исботлаб бергач, сиз энди ҳақиқатни тушуниб етгандек ва кечирим сўрагандек «аааа!» дея юқоридан пастлаб, сўнгра яна юқорилаб тўлқинсимон талаффуз қиласиз. Учинчи оҳанг энг давомий оҳанг ҳисобланади.
Тўртинчи	dà /	Пасаяувчи оҳанг. Юқори оҳангдан бошланиб, сўнгра охиригача кескин пасаяди. Тўртинчи оҳанг қисқа ва шиддат билан талаффуз қилинади. Бу оҳанг асосан қўйилган бирор айбни инкор қилгандек, ёки итоат этишдан қатъий бош товлаганда айтиладиган «йўқ!» сўзи сингари талаффуз қилинади. Оҳанг ўзбек тилида суҳбатдошнинг ёқмаган гапини қайта сўрагандек талаффуз қилинадиган «а!?» товуши талаффузига ҳам ўхшаб кетади. Энг қисқа оҳанг - тўртинчи оҳанг.
Нейт-рал	da	Урғусиз оҳанг. Алоҳида хусусиятларга эга бўлмаган, урғусиз, қисқа оҳанг.

Оҳангларнинг ўзгариши

1- оҳанг 2- оҳанг 3- оҳанг 4-оҳанг

mā má mǎ và

Товушлар ҳаракатининг қиёсий кўриниши:



Суратга биноан биринчи оҳангни - 55, иккинчи оҳангни - 35, учинчи оҳангни - 214 ва тўртинчи оҳангни - 51 деб белгилаш мумкин.



鸡 jī, 羊 yáng, 狗 gǒu, 兔 tù



Хитой тилидаги оҳанглар айрим ҳолатларда ўзгаришга юз тутиши мумкин:

Агар учинчи оҳанг бирин-кетин келса, унда биринчиси иккинчисига қўшилиб кетади. Буни қуйидаги математик тенглама орқали тасаввур қилиш мумкин:

$$3+3 = 2+3$$



Бунга хитой тилидаги «салом» нǐ hǎo нинг талаффуздаги ифодасини мисол тариқасида келтириб ўтиш мумкин. Нǐ hǎo сўзида айнан икки-уч оҳанг кетма-кет талаффуз қилинади. Қоидага кўра, биринчи оҳанг юксалувчи талаффузда ní hǎo

ни ҳосил қилади.

$$3+3 = 2+3$$

Nǐ hǎo = nǐ hǎo

Бирок, 3 – оҳангнинг бундай ўзгариши алифбо ёзувида акс этмайди: бўғинда доимо 3 – оҳанг қайд қилинади.

Агар 不 **bù** инкор бўлагидан сўнг тўртинчи оҳангли сўз келса, унда бўлакдаги тўртинчи оҳанг иккинчи оҳангга ўзгаради.

Масалан: 不是 **bú shì**. 不 **bù** бўлагидан кейин тўртинчи оҳангга 是 **shì** сўзи келганлиги сабабли 不 бўлаги иккинчи оҳангга ўзгаради ва 不 **bú** шаклига эга бўлади. Масалан: **bú pà** “қўрқмаслик”, **bú ài** “севмаслик”, **bú qù** “бормаслик”.

— **yī** санок соннинг оҳанги давомли оҳанг. Соннинг оҳанги унинг кетидан келган биринчи, иккинчи, учинчи оҳангли сўз орқали — **yī** тўртинчи — **yì** оҳангга ўзгаради.

Масалан: 一天 **yī tiān** (бир кун), талаффузда **yì tiān** шаклини олади.

— 一瓶 **yī píng** (бир шиша) **yì píng** га ўзгаради.

Агар — **yī** (бир) дан кейин тўртинчи оҳангдаги сўз келса, оҳанг иккинчи оҳангга ўзгаради: **yí biàn**.



Бир ёзувдаги сўз тўрт оҳангда тўрт хил маънони ифодалайди.

Нейтрал оҳанг:

1	Mā ma 妈妈 :она	ài ren 爱人:эр, хотин
2	Bà ba 爸爸 :ота	hái zi 孩子:болалар
3	gē ge 哥哥 :ака	guān xi 关系: алоқа, аҳамият
4	dì di 弟弟 :ука	xiè xie 谢谢 :рахмат
5	Jiě jie 姐姐 :опа	kè qi 客气 :одобли
6	mèi mei 妹妹 :сингил	xiū xi 休息:дам олиш

Юқорида келтирилганларга асосланиб хитой тилида саломлашишни ўрганамиз.

你好 nǐ hǎo

Алик олувчи ҳам шу тарзда жавоб беради: **nǐ hǎo**

Салом берувчи ўзидан каттага салом бераётганда ҳурмат маъносида шундай дейиши мумкин:

您好 nín hǎo

Агар бир қанча одам ёки гуруҳ билан саломлашишга тўғри келса, унда ушбу жумлани ишлатиш мумкин:

大家好 Dàjiā hǎo-Барчага салом.

Хайрлашиш кўришгунча мазмунида айтилади:

再见 ! zàijiàn! - Хайр, кўришгунча.



Māma 妈妈 -она, Bàba 爸爸 -ота 你好 nǐ hǎo-再见 ! zàijiàn!- Хайр, кўришгунча.

Диалог.

Биринчи учрашув

Yīwàn: **Nǐ hǎo!** 伊万：你好！ - Иван: Салом!

Wáng Míng: **Nǐ hǎo!** 王明：你好！ - Ван Мин: Салом!

Yīwàn: **Rènshi nǐ hěn gāoxìng.** 伊万：认识你很高兴。 -

Иван: Танишганимдан жуда хурсандман.

Wáng Míng: **Wǒ yě hěn gāoxìng.** 王明：我也很高兴。 - Ван

Мин: Мен ҳам.

Диалог.

对不起 **Duì bù qǐ** – Кечирасиз!

没关系！ **Méi guānxi** – Ҳечқиси йўқ!

谢谢 **Xiè xie** – Раҳмат.

不客气！ **Bú kèqi** – Арзимаиди!

明天见！ **Míng tiān jiàn** – Эртагача!

休息一会儿！ **Xiūxi yí huìr** – Бироз дам олинг!

好吧！ **Hǎo ba** – Яхши, майли!



Мунозара учун савол ва топшириқлар.

1. Хитой тилида нечта товуш оҳанглари бор?
2. Оҳангларнинг қандай ўзаро фарқли жиҳатлари бор?
3. Оҳангларнинг ўзгариши деганда нимани тушунасиз?
4. Оҳангларнинг овозли ҳаракатини беш даражали ўлчамда қандай белгилаш мумкин?
5. Товуш оҳангларининг ўзига хос жиҳатларини қатъий ўрганнг.
6. Оҳангларнинг талаффуз қоидалари асосида фонетик машқларни кўп марта такрорлаб бажаринг. Бунда юқори ва куйида келтирилган машқлардан фойдаланинг.

Оҳангларга оид машқлар:

1	bā bá bǎ bà	bū bú bǔ bù
2	kē ké kě kè	qī qí qǐ qì
3	xiē xié xiě xiè	mēi méi měi mèi
4	guān guán guǎn guàn	xī xí xǐ xì
5	duī duí duǐ duì	mīng míng mǐng mìng
6	tiān tián tiǎn tiàn	yī yí yǐ yì
7	huī huí huǐ huì	xiū xiú xiǔ xiù

7. Товушларни фарқланг:

bō — pō, pà — bà, gǔ — kǔ, kǎ — gǎ

lǐ — nǐ, lán — nán, hǔ — gǔ, hǎ — kǎ

Оҳангларни фарқланг (биринчи ва тўртинчи оҳанглар): **bō — bò, pā — pà, pī — pì, kān — kàn, kū — kù, gāo — gào, ān — àn**

8. Оҳангларни ўзгартириб ўқинг (учинчи оҳанг + учинчи оҳанг → иккинчи оҳанг + учинчи оҳанг):

nǐ hǎo → ní hǎo

9. Куйидаги жумлаларни ўқинг: **Nǐ hǎo. Bàba, nín hǎo. Māsha, ní hǎo.**

ХИТОЙ ИЕРОГЛИФЛАРИНИНГ ЎЗИЛИШ ҚОИДАЛАРИ

Ўқув мақсади

Талабаларга иероглифларнинг таркибий қисмлари, асосий, илмоқли, синиқ, илмоқли-синиқ чизиқлари асосида иероглифларнинг вужудга келишига оид маълумотлар бериш.



Асосий маълумотлар

Режа:

1. Хитой иероглифларининг таркибий қисмлари.
2. Асосий чизиқлар ва илмоқли чизиқлар.
3. Синиқ чизиқлар ва илмоқли синиқ чизиқлар.
4. Иероглиф ўзишни ўрганишнинг дастлабки босқичлари.



Гарчи замонавий хитой иероглифлари ранг-баранг кўринса-да, аслида бир қанча элементар чизиқларнинг қатъий комбинацияларидан таркиб топади.

Асосий чизиқлар

Асосий чизиқлар жами саккизта:

Чизиқ	номи	мисоллар
一	горизонтал	二五百
丨	вертикал	千士巾
㇇	ўнгга йўналган	欠又文
㇆	чапга йўналган	成石九

	эгма кесилувчи	戈戰戒
	юқориловчи	冰決波
	ўнг нукта	六玉交
	чап нукта	心小亦

Илмоқли чизиқлар

Айрим чизиқ ёзувларининг вариантлари мавжуд. Жумладан, горизонтал, вертикал ва ўнгга йўналган чизиқлар катта бўлмаган эгик – «қармоқ» билан яқунлаши мумкин. Бундай илмоқли шакллар жами бешта бўлиб, улар қуйидагилар:

Чизиқ	номи	мисоллар
	Илмоғи пастга қараган горизонтал чизиқ	皮军罕
	Чап илмоқли вертикал чизиқ	水月则
	Ўнг илмоқли вертикал чизиқ	艮衣长
	Ўнгга эгилган вертикал чизиқ	也已儿
	Эгилган кесилувчи чизиқ	民划戎

Синиқ чизиқлар

Асосий чизиқлардан ва уларнинг илмоқли вариантларидан ташқари иероглифлар орасида яхлит, бироқ йўналишини ўзгартирган чизиқлар ҳам мавжуд бўлиб, биз уларни синиқ чизиқлар, деб атадик.

Улар олтита:

Чизик	НОМИ	мисоллар
	Вертикал синикли горизонтал чизик	口 日 田
	Чапга йўналган горизонтал синик чизик	又 久 夕
	Чапга йўналган уч синикли чизик	建 延 廷
	Горизонтал синикли вертикал чизик	山 世 凶
	горизонтал синикли ёнбош чизик	厶 红 允
	ўнгга йўналган синикли чап ёнбош чизик	女 好 妥

Илмоқли синик чизиклар

Чизик	НОМИ	мисоллар
	Вертикал синикли ва чап илмоқли горизонтал чизик	刁 力 那
	Вертикал синикли ва ўнг илмоқли горизонтал чизик	话 讨 许
	Уч вертикал синикли чап илмоқли горизонтал чизик	乃 彘 汤
	Вертикал синикли ўнгга йўналган ва юқорига қараган горизонтал чизик	汽 九 肌
	Икки синикли чап илмоқли вертикал чизик	朽 马 与


Замонавий хитой иероглифларининг барчаси мазкур 24 чизикларнинг бирикишидан ҳосил бўлади.

Агар қурилиш нуқтаи назаридан содда иероглифларда бир-уч чизик иштирок этса, энг мураккабларида ўттиз ва ундан ортиқ чизиклар иштирок этиши мумкин. Масалан, 龍 dá – «аждаҳонинг парвози» иероглифида 34 чизик иштирок этган. Бу хил мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Энг мураккаб мазкур жэ «кўп қатламли» иероглифи 64 чизикдан иборат:


龍龍
龍龍

Иероглиф ёзишни ўрганиш:

Иероглифлар юқоридан пастга қараб ёзилади.



Чапдан ўнгга.



Бошида горизонтал, сўнгра вертикал ва узоқлашувчи чизиклар ёзилади. Чап тарафдаги узоқлашувчи чизик ўнг тарафдагига қараганда олдин ёзилади.



Иероглифлар дастлаб ташқи контурларни чизишдан бошланади, сўнгра ички белгиларни чизишга ўтилади. Бирок ташқи контурни яхлитловчи пастдаги чизик энг охирги навбатда ёзилади. Масалан:



Агар вертикал чизик горизонтал чизик билан кесишмаса, унда у биринчи бўлиб ёзилади, сўнгра ёнбош ва узоқлашувчи чизиклар ёзилади.

小 小 小

«Ўнгдаги нукта» чизиғи доимо охирги навбатда ёзилади.

玉 玉 玉 玉 玉

Иероглифларни тўғри ёзиш намуналари:

1. «Илон» хитой иероглифи 11 чизикдан таркиб топган.

蛇

Иероглиф чизикчалари куйидаги тартибда ёзилади:

蛇 蛇 蛇 蛇
蛇 蛇 蛇 蛇
蛇 蛇 蛇

2. «Қуш» хитой иероглифи 5 чизикдан иборат.

鳥

У куйидаги тартибда ёзилади:



3. «Айик» иероглифи 14 чизикдан иборат.



У куйидаги тартибда ёзилади:



Минора


чанг

кўкат


одамлар

бир

оғиз



Мазкур машқларни бажаришда иероглифлар бир см. кв.да, яъни тўрт катак ичида жойлашишига эътибор беринг. Бунга математика дафтаридаги катакчаларнинг тўрттасини бирлаштириб, бир машқ катагини ҳосил қилиш мақсадга мувофиқ.



Мунозара учун савол ва топшириқлар.

1. Хитой иероглифларининг асосий чизиқлари нечта ва улар қандай кўринишга эга?

2. Қандай чизиқлар илмоқли чизиқлар, деб аталади?
3. Синиқ чизиқлар билан илмоқли синиқ чизиқларнинг қандай фарқли томонлари бор?
4. Асосий ва илмоқли чизиқларнинг шаклини ўрганинг ва ёдланг.
5. Синиқ чизиқлар билан илмоқли синиқ чизиқларнинг хусусиятларини ўрганинг. Уларни бошқа чизиқлар билан фарқини аниқланг ва шаклини ёдланг.
6. Иероглиф таркибий чизиқларини тартиби билан ёзиш қоидаларини ўрганинг.
7. Иероглифларни тўғри ёзишда қуйидаги каллиография (хуснихат)га оид машқлардан фойдаланинг:



Ўқув мақсади

Талабаларга жисмоний объект ва тушунчаларнинг белгилари асосида юзага келган, шаклларга ўхшаш иероглифлар ҳақида маълумотлар бериш.



Асосий маълумотлар

Режа:

1. Иероглифларда объект ва тушунчаларнинг акс этиши.
2. Дастлабки иероглифлардаги тимсоллар ва уларнинг эволюцияси.



Кўпчилик иероглифлар жисмоний объектлар ёки мавҳум тушунчаларнинг белгилари асосида юзага келган. Хитой тилидаги кўплаб китобларда маълум бир иероглифнинг қурилиши ва моҳиятини акс эттирувчи суратлар берилади. Буни тасаввур қилиш учун иероглифларнинг моҳияти ва талаффузига эътибор қаратамиз.



by Sabio Lantz

Дарҳақиқат, хитой иероглифлари орасида маълум бир тушунчанинг шаклини акс эттирадиганлари ҳам бир қанча. Бу

ҳолат иероглифларни ёдлаб олишда маълум қулайликлар туғдиради. Қуйидаги иероглифларни уларнинг маъноси билан солиштирамиз:

雨 – ёмғир, 川 – дарё, 酒 – спиртли ичимлик,
茶 – чай, 火 – олов, 土 – ер, 羊 – қўй, 山 – тоғ,
口 – оғиз, 天 – осмон.

Барча хитой иероглифларини бўлинадиган ва яхлит турларга ажратиш мумкин. Яхлит иероглифларни оддий таркибий бўлақларга ажратиб бўлмайди. Келтирилган иероглифлардан 天 **tian** (осмон) — ва 大 қисмларидан таркиб топган. Иероглифнинг таркибий қисмларидан бирини хитойликлар калит бўлақ, деб билишади (калит бўлақлар ҳақида биз алоҳида тўхталамиз). Хитой тили луғатларидан фойдаланилганда иероглифлар калит бўлақлар асосида тартиб берилади. Шу каби ҳолатларни инобатга олган ҳолда, калит бўлақларни албатта билиш талаб этилади. 天 иероглифида 大 элементи калит бўлақ саналади. Бу ҳолатдан 天 иероглифи нега осмон маъносини англатаётганлигини ҳам билиб олса бўлади.

天 иероглифи билан қуйидаги сўзларни яшаш мумкин:

天口 – моҳир нотик, гапга чечан

天心 – коинот маркази, меърож

天人 – буюк инсон; осмон одами

天中 – осмон маркази

天文 – астрономия.

口 **kou** (коу) «оғиз» иероглифи дастлаб

匕 кўринишда бўлиб, у шаклан оғизга ўхшаган.

中 zhong иероглифи *ўрта, марказ* маъносини англатади. Тасвир ортиқча изоҳларсиз шундай маъноларни англатиб турибди. Мазкур иероглиф асрлар мобайнида деярли ўзгаришсиз келмоқда. Унга иероглифларни қўшиб қуйидагича сўзларни яшаш мумкин:

人中 – одамлар орасида

中人 – ўртача имкониятлардаги одам

心中 – юракда; кўнгилда

中心 – ўрта, марказ

Қадимда «аёл» иероглифи тиззаларига суянган, итоат

килувчи қиёфа сифатида тасвирланган:



. Айни

вақтда бу иероглиф қуйидаги шаклга эга бўлди: **女 nǚ**.

Дарҳақиқат, иероглифда аёлнинг заифалик хусусиятлари акс этган.



女 -
аёл



女女 -
аёл+аёл = баҳс

Бу иероглиф билан бошқа иероглифлар ёрдамида қуйидагича сўзлар яшаш мумкин:

女人 – аёл; хотин

女口 – аёлларнинг ғийбати

天女 – маъбуда, пари.


Қадимги иероглифлар дастлаб табиий ҳодисаларни ва қадимги одамларни қизиқтирадиган нарсаларни акс эттирган. Айрим иероглифлар ўзгариш эволюциясини бошидан

кечирган. Бунга мисол тариқасида бир қанча мисолларни кўриб чиқамиз:

«олов» – 火 (huǒ) иероглифини дастлабки кўринишидан ҳозирга қадар қуйидагича ўзгаришларга юз тутган:



Бундай ўзгаришлар «юрак» ва «турмоқ» иероглифларида

ҳам мавжуд:  «юрак»,

 «турмоқ».

Хитой тилини билишнинг қулай томонларидан бири, уни амалиётда қўллашнинг бир қанча имкониятлари мавжуд.

Жумладан, 男 «эркак» иероглифининг юқори графемаси 田 «дала», пасткиси 力 «куч» маъноларини англатади. Демак, «эркак» далада ишловчи куч маъносини англатади.

«Одам» иероглифи чапга ва ўнгга йўналган икки эгма чизикдан таркиб топади: 人 rén. Бу иероглиф кўп ўзгаришларга юз тутди. Дастлабки кўринишда иероглиф ерга

эгилиб ишлаётган кичкина одам шаклида бўлган . Вақт ўтгани сайин одам ерда кам ишлов бериб, унинг қўли борган сайин кўтарила бошлади. Замонавий дунёда одамларнинг бошлари турли масалалар билан бандлашган ва ерда фақат оёқлар қолган маъносида иероглиф мазкур кўринишни олди:



=



大 dà иероглифини ёдда сақлаб қолиш қийин эмас. У икки қўлини икки томонга очиб турган одамни эслатади. Қўлларнинг қулоч очиб икки тарафга йўналиши бирор нарсанинг катта эканлигини билдиради ёки оддий қилиб «катта» маъносини англатади.



=



牛 níu “сигир” иероглифи дастлаб кўринишига эга бўлган ва икки шохи кўришиб турган молнинг калласини



эслатган: 主 zhǔ иероглифи “хўжайин” маъносини англатади. Иероглиф дастлаб шундай кўринишга эга бўлган:



ва шамни ушлаб турувчи шамдонни эслатган: . Иероглифнинг бундай шаклни олишига сабаб, хўжайин шамдонга қиёсланган, у ўз атрофида ёруғлик, зиё таратадиган шахс, деб тушунилган.



Мунозара учун савол ва топшириқлар.

1. Иероглифларда объект ва тушунчаларнинг акс этиш сабабларини нимада деб биласиз?
2. Объект ва тушунчалар акс этган нечта иероглифни биласиз?
3. Объект ва тушунча акс этган иероглифларни ёд олинг.
4. Бу хил иероглифларни машқ дафтарингизга туширинг ва у акс эттираётган тимсол билан солиштириб ёд олинг.
5. Мазкур жадвал асосида объект ва тушунчалар акс этган иероглифларнинг эволюцион тараққиёт жараёнини аниқланг:

○	⊖	☽	日	日
𠂇	𠂇	𠂇	月	月
𠂇	𠂇	火	火	火
𠂇	𠂇	水	水	水
𠂇	羊	羊	羊	羊
𠂇	豕	豕	馬	馬

4. Иероглифларни тўғри ёзишда куйидаги машқлардан фойдаланинг. Мазкур иероглифларда сизга таниш бўлган чизикларни аниқланг:

上 主 正 本 三 开 在 羊
 枉 柱 玛 汪 民 功 那 九
 公 里 共 六 古 天 皂 玉
 究 宗 固 凉 森 草 旬
 许 困 光 且 任 回 土 犬
 童 山 品 看 活 行 堂

6-МАВЗУ

СОН ВА САНОҚ ТУШУНЧАСИ

Ўқув мақсади

Хитой тилида сон ва санок тартиби, ўнлик, юзлик, минглик ва ундан юқори бўлган рақамларнинг ясалиши ҳақида маълумот бериш.



Асосий маълумотлар

Режа:

1. Хитой тилида сон ва санок тушунчаси.
2. 1 дан 10 гача бўлган сонлар санок тартиби.
3. 10 дан 19 гача бўлган рақамлар ясалиши.
4. 20 - 90 ўнлик сонларнинг ясалиш тартиби.
5. 999 гача бўлган сонларнинг ясалиши.
6. 1000 дан юқори бўлган сонларнинг ўзгариши.



Хитой тилида сон ва санок тизими бирмунча содда кўринишга эга.

Хитой тилида 0 дан 10 гача бўлган рақамлар учун ㄟ - ㄟㄟ - қанча? саволи берилади.

1 дан 10 гача бўлган сонлар

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10


一 二 三 四 五 六 七 八 九 十

yī èr sān sì wǔ liù qī bā jiǔ shí


Жумлаларда қуйидаги тарзда намоён бўлади: Менга бир/икки/уч/тўрт/беш/олти/етти/саккиз билет керак. 我要 一张 /两张 /三张 /四张 /五张 /六张 /七张 /八张 票。 wǒ yào yī zhāng/liǎng zhāng/sān zhāng/sì zhāng/wǔ zhāng/liù zhāng/qī zhāng/bā zhāng piào.

Шуни таъкидлаш керакки, хитойликлар сонларни бармоқлар ёрдамида ҳам кўрсатишади. Жумладан, 0 дан 10 сонигача бўлган ва айрим ўнлик сонлар асосан бир қўл ёрдамида ясалади.

Рақамларнинг бармоқлар ёрдамида ясалиши:



Рақамларни ифодалашда ушбу қўл ҳаракатларидан ҳам фойдаланиш мумкин:



Қўл воситасида қадимги Хитойда гарчи мураккаб бўлса-да, 1 дан 99 999 999 гача бўлган сонларни кўрсатиш мумкин бўлган. Бунда ҳар бир бармоққа ҳам икки ёнига, ҳам олд томонига 1 дан 9 гача бўлган сонлар белгилаб чиқилади. Рақамни кўрсатиш вазифасини бош бармоқнинг тирноғи бажаради. Ҳар бир бармоқнинг ўз даражаси бор: ўнг қўлнинг кўрсатиш бармоғи — бирликларни, ўрта

бармоқ — ўнликларни,
 номсиз бармоқ —
 юзликларни ва ҳоказо. Сон
 даражасининг кўтарилиши
 бармоқларнинг навбати
 билан кўрсатилишига сабаб
 бўлади. Орада бармоқнинг
 ташлаб кетилиши нульни
 англатади. Мисол учун 3075
 рақамини англатиш учун
 бармоқларнинг қуйидаги
 бўғинлари навбати билан
 кўрсатилади:



Хитой тилида 10 дан
 юқори бўлган рақамлар учун 多少 - **duōshao** – қанча? саволи
 берилади.

10 дан 19 гача бўлган рақамлар қуйидаги тарзда ясалади:

十 (ўн) рақамини олиб унга тааллуқли сонни қўшамиз:

十一	11
十二	12
十三	13
十四	14
十五	15
十六	16
十七	17
十八	18
十九	19

20, 30, 40, 50, 60, 70, 80, 90 сонлари қуйидаги тартибда
 ясалади:

Дастлаб биринчи рақамни олиб (20 учун 2, 40 учун 4 каби)
 унга 10 сонини қўшамиз:

二十	20
三十	30

四十 40
五十 50
六十 60
七十 70
八十 80
九十 90

20 дан 99 гача бўлган сонлар шу тариқа, фақат мувофик соннинг қўшилиши билан ясалади:

21 (20+1) = 二十一
23 (20+3) = 二十三
35 (30+5) = 三十五
47 (40+7) = 四十七
52 (50+2) = 五十二
61 (60+1) = 六十一
78 (70+8) = 七十八
86 (80+6) = 八十六
99 (90+9) = 九十九

Юз сони қуйидаги кўринишга эга:

百 - **bǎi** - 100

200, 300, 400, 500, 600, 700, 800, 900 сонлари қуйидаги тартибда ясалади:

200 (2*100) - 二百
500 (5*100) - 五百

101 дан 999 гача бўлган сонлар шу тариқа, бироқ қўшимча ўнлик ва бирлик сонларнинг бирикувидан ҳосил бўлади:

425 - (4*100+20+5) = 四百二十五
876 - (8*100+70+6) = 八百七十六
555 - (5*100+50+5) = 五百五十五
973 - (9*100+70+3) = 九百七十三



Бирдан ўнгача санашни билган киши учун вақтни айтиш муаммо эмас.

1000 дан юқори сонлар ўзгариши қуйидаги жадвалда акс этган:

1000	一千	yī qiān
1 001	一千零一	yī qiān líng yī
1 010	一千零一十	yī qiān líng shí
1 100	一千一百	yī qiān yī bǎi
10 000	一万	yī wàn
1 000 000	一百万	yī bǎi wàn
100 000 000	一亿	yī yì

Хитой сонларини ёзишнинг икки: оддий ва расмий усуллари мавжуд. Биринчиси ҳар кунги мулоқот вақтида, иккинчиси, асосан молия ишлари билан боғлиқ ҳужжатларни тўлдиришда ёзилади.

1-10	11-20	21-30	31-40	41-50
一 yī	十一	二十一	三十一	四十一
二 èr	十二	二十二	三十二	四十二
三 sān	十三	二十三	三十三	四十三
四 sì	十四	二十四	三十四	四十四
五 wǔ	十五	二十五	三十五	四十五
六 liù	十六	二十六	三十六	四十六
七 qī	十七	二十七	三十七	四十七
八 bā	十八	二十八	三十八	四十八
九 jiǔ	十九	二十九	三十九	四十九
十 shí	二十	三十	四十	五十

Рақам	Оддий усул	Расмий	Ўқилиши
0	○	零	líng
1	一	壹	yī
2	二	貳	èr
3	三	叁	sān
4	四	肆	sì
5	五	伍	wu
6	六	陆	liù
7	七	柒	qī
8	八	捌	bā
9	九	玖	jiu
10	十	拾	shí
100	百	佰	bai
1000	千	仟	qiān
10000	万	万	wàn
100.000.000	亿	亿	yì
1.000.000.000.000	兆	亿	zhào



Мунозара учун савол ва топшириқлар.

1. Хитойча сон ва саноқ ҳақида нималар биласиз?
2. 10 дан 19 гача бўлган сонлар қай тарзда ясалади?
3. 999 гача бўлган сонларнинг ясалишини айтиб бероласизми?
5. 1000 дан юқори бўлган сонларнинг ўзгариши ҳақида нималар биласиз?
6. Мавзунини ўрганиб чиқинг ва сонларнинг ясалиш тартибига аҳамият беринг.
7. 1 дан 10 гача бўлган сонларни ёдланг.
8. Сонларнинг каттариш жараёни ва қоидаларини ўрганинг.
9. Машқ дафтарингизга турли кўринишдаги сонларни хитойча шаклда ёзинг.
- 10.1, 9, 18, 23, 847, 1001, 3655, 2 000 000 сонларини хитойча шаклда ёзиб чиқинг.

11. Сонларни хитой эквивалентлари билан тўғри жойлаштиринг: 一 уч; 二 беш; 三 бир; 四 тўққиз; 五 икки; 六 етти; 七 олти; 八 ўн; 九 тўрт; 十 саккиз.

12. Мазкур сонларни иероглифларга мувофиқлаштиринг: 九 + 20; 八 + 30; 五 + 40; 四 + 50; 七 + 60; 六 + 70; 三 + 80; 二 + 90

13. Бармоқлар воситасида хитойча сонларни яшашни ўрганинг.

14. Сабоқдошингиз билан сонлар иштирокида диалоглар ясанг.

7-МАВЗУ

ВАҚТ, КУН, ҲАФТА, ОЙ, ЙИЛ

Ўқув мақсади

Хитой тилида вақт бирликлари, санок сон ёрдамида кун, ҳафта, ой ва йил законини яшаш ҳақида маълумот бериш.



Асосий маълумотлар

Режа:

1. Хитой тилида вақт.
2. Ҳафта кунлари.
3. Ой ва йил.



Бирдан ўнггача санашни билган киши учун вақтни айтиш муаммо туғдирмайди. Масалан, сиз соат уч демокчи бўлсангиз, уни бундай бажармоқ лозим: 三点 **sān diǎn** ёки 三点钟 **sān diǎn zhōng**. 三 sān кўриб ўтганимиздек «уч» маъносини англатади, 点 diǎn соат ёки вақт, 钟 zhōng эса соат ёки кўнғирок маъносига тенг. Грамматик нуқтаи назардан ҳар икки тушунча ҳам тўғри.



Хитой тилидаги гаплар «эга – кесим – тўлдирувчи» тизими асосида ясалади. Гапдаги сўзлар ўрнини алмаштириш мумкин эмас!

Куйида хитой тилида вақтни айтишни ўрганамиз:

一点钟 yī diǎn zhōng – соат бир

二点钟 èr diǎn zhōng – соат икки

三点钟 sān diǎn zhōng – соат уч

四点钟 sì diǎn zhōng – соат тўрт

五点钟 wǔ diǎn zhōng – соат беш

六点钟 liù diǎn zhōng – соат олти

七点钟 qī diǎn zhōng – соат етти

八点钟 bā diǎn zhōng – соат саккиз

九点钟 jiǔ diǎn zhōng – соат тўққиз

十点钟 shí diǎn zhōng – соат ўн

十一点钟 shí yī diǎn zhōng – соат ўн бир

十二点钟 shí èr diǎn zhōng – соат ўн икки

Хитой тилида ҳафта кунлари.

Санок сонларни ўргангач, ҳафта кунларини билиб олиш қийинчилик туғдирмайди. Хитой ҳафта кунлари душанбадан бошланади. Якшанбадан бошқа кунлар хитой сонлари ва 星期 xīngqī иероглифи бирикишидан ясалади. Буни қуйидаги жадвалдан билиб олиш мумкин:

№	Иероглиф	Пиньинь	Таржима
1	星期一	xīngqī yī	Душанба
2	星期二	xīngqī èr	Сешанба
3	星期三	xīngqī sān	Чоршанба
4	星期四	xīngqī sì	Пайшанба
5	星期五	xīngqī wǔ	Жума
6	星期六	xīngqī liù	Шанба
7	星期日	xīngqī rì	Якшанба

Ҳафта кунини билиш учун қуйидаги савол берилади:

今天星期几 **Jīntiān xīngqī jǐ?**

Жавоб қуйидагича айтилиши мумкин:

今天星期五 **Jīntiān xīngqī wǔ** – Бугун пайшанба.

Ҳафталарнинг навбати билан келиши қуйидагича:

下个星期 **xià gè xīngqī** – келадиган ҳафта.

这个星期 **zhè gè xīngqī** – шу ҳафта.

上个星期 **shàng gè xīngqī** – ўтган ҳафта.

Хитой тилида йил ойлари.

Months and days game 

Monday	xīngqīyī	星期一
Tuesday	xīngqī'èr	星期二
Wednesday	xīngqīsān	星期三
Thursday	xīngqīsì	星期四
Friday	xīngqīwǔ	星期五
Saturday	xīngqīliù	星期六
Sunday	xīngqīrì	星期日/星期天



January	yīyuè	一月	July	qīyuè	七月
February	èryuè	二月	August	bāyuè	八月
March	sānyuè	三月	September	jiǔyuè	九月
April	sìyuè	四月	October	shíyuè	十月
May	wǔyuè	五月	November	shíyīyuè	十一月
June	liùyuè	六月	December	shí'èryuè	十二月

Хитой тилидаги санок сонларни билган киши учун вақт, ҳафта кунлари, ой номларини ёдлаш ҳам қийинчилик туғдирмайди. Бунинг учун ойнинг тартибига мувофиқ 1 дан 12

гача бўлган рақамларни танлаб олиб, 月 **yuè** календар ойини англатувчи иероглифи қўшиб айтилади.

